

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**  
НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8
- 2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16
- 3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**  
МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 4. ОКЮЛОВ Омонбой**  
“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30
- 5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович**  
ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36
- 6. АЧИЛОВА Liliya Ilxomovna**  
VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43
- 7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**  
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50
- 8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**  
ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55
- 9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**  
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**  
ЙИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**  
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79
- 12. ВОХИДОВ Маҳкам Мубинович**  
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

<b>13. ИСЛОМОВ Бунёд Очилович</b> ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) .....	92
--	----

<b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....	99
---	----

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

<b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович</b> ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	107
---	-----

<b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b> СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ .....	114
---	-----

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

<b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	119
--	-----

<b>18. USMANOVA Surayo</b> YEVROPA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TANLILI.....	126
---	-----

<b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b> ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ.....	131
--	-----

<b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b> ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ.....	135
--	-----

<b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ.....	141
--	-----

<b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	149
---	-----

<b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b> ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	154
--	-----

<b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шохрух Олимович</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИТСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС .....	161
---	-----

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>25. NAITO Shintaro</b> OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN—FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS.....	169
---	-----

<b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b> ЮРИДИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА .....	184
---	-----

<b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b> ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА .....	190
---	-----

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ОЧИЛОВ Шермат Рашидович**  
Мустақил тадқиқотчи  
E-mail: [ochilov.shermat00@mail.ru](mailto:ochilov.shermat00@mail.ru)

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** Очилов Ш.Р. Терроризмга қарши курашда минтақавий ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 149-153.

 2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-22>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада терроризмга қарши кураш масалаларини тартибга солувчи асосий халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, терроризм жиноятининг минтақавий халқаро шартномаларда мустақамланишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан, терроризм жиноятининг бугунги кундаги хавфи, унинг турли кўринишларини пайдо бўлиши оқибатлари ҳамда мазкур масалалари борасида минтақавий даражада давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш зарурати ҳақида фикр юритади. Жумладан, МДҲ ва ШҲТ томонидан терроризмга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик масаласида қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб, ўз йўналишларини, ҳамкорлик механизмини ва уни такомиллаштириш масалаларини аниқ белгилаб олишлари лозимлигини таъкидлайди. Мақола якунида, терроризмга қарши кураш бўйича давлатлар ҳамкорлигини такомиллаштириш борасида бир нечта таклифларни илгари суради.

**Калит сўзлар:** терроризм, халқаро шартнома, конвенция, БМТ, МДҲ, ШҲТ.

**ОЧИЛОВ Шермат Рашидович**  
Самостоятельный соискатель  
[ochilov.shermat00@mail.ru](mailto:ochilov.shermat00@mail.ru)

## МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РЕГИОНАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В БОРЬБЕ С ТЕРРОРИЗМОМ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется правовая природа основных международных договоров, регулирующих борьбу с терроризмом, особенности закрепления преступления терроризма в региональных международных договорах. Автор рассуждает о современной угрозе преступления терроризма, последствиях его возникновения в различных формах, и о необходимости сотрудничества государств на региональном уровне. В частности, подчеркивается важность четкого определения направлений механизма сотрудничества

и вопросы его совершенствования, исходя из принятых в СНГ и ШОС документов по международному сотрудничеству в борьбе с терроризмом. В заключение статьи выдвигается несколько предложений по совершенствованию сотрудничества государств в борьбе с терроризмом.

**Ключевые слова:** терроризм, международный договор, конвенция, ООН, СНГ, ШОС.

**OCHILOV Shermat**

Independent Researcher

E-mail: shahsitta@gmail.com

## INTERNATIONAL LEGAL ASPECTS OF REGIONAL COOPERATION IN THE FIGHT AGAINST TERRORISM

### ANNOTATION

The article analyzes the legal nature of the main international treaties regulating the fight against terrorism, the specifics of fixing the crime of terrorism in regional international treaties. The author discusses the modern threat of the crime of terrorism, the consequences of its occurrence in various forms, as well as the need for cooperation of states at the regional level on these issues. In particular, on the basis of the documents on international cooperation in the fight against terrorism adopted in the CIS and the SCO, they should clearly define their areas, the mechanism of cooperation and issues of its improvement. In particular, the need is emphasized for a clear definition of their areas, the mechanism of cooperation and issues of its improvement, based on the documents adopted by the CIS and the SCO on international cooperation in the fight against terrorism. In conclusion of the article, he puts forward several proposals for improving cooperation between States in the fight against terrorism.

**Key words:** terrorism, international treaty, convention, UN, CIS, SCO.

Замонавий дунёда халқаро хавфсизликни таъминлаш соҳасида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. У фақат ҳарбий-сиёсий тоифаларда кўриб чиқилмайди. Ушбу соҳада янги кун тартибини шакллантириш ҳам глобал, ҳам минтақавий даражада хавфсизликка таҳдидларнинг янги турларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шундай таҳдидлардан бири халқаро террорчилик фаолиятидир.

Бугунги кундаги терроризм техник жиҳозларнинг кескин ўсиши, юқори даражадаги ташкилотчилиги ва етарли молиявий ресурсларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Террорчилик фаолияти кўламининг ошишига асосан миграция оқимининг кучайиши ва чегара назоратининг заифлашиши таъсир қилмоқда. 2021-йилда терроризм оқибатида вафот этганлар 1,2 фоизга камайиб, 7142 кишини ташкил этган. Бунинг асосий сабаби, террористик ташкилотлар томонидан янги технологияларнинг кенг фойдаланишдадир [1].

Сўнгги пайтларда терроризм мавзуси жаҳон ҳамжамиятининг ўта жиддий муаммоларидан бирига айланди. Коинотга учишга қодир, инновацион ихтиролар яратаётган ҳамда ядро қуроли ва ракеталарга эга бўлган йирик, қудратли давлатлар терроризм натижасида гаровга олинганларни ўлдириш, биноларни портлатиш ва бошқа таҳдидларни олдини олиш борасида ожиз қолмоқдалар. Шу муносабат билан, терроризм мавзуси нафақат давлатларнинг ички муаммоси балки халқаро ҳамжамиятни ҳам хавотирга солаётган асосий таҳдид сифатида кўрилмоқда.

Цивилизациянинг ривожланиши билан бирга террористик таъсир усуллари ҳам ривожланиб боради. Йўловчи самолётларни олиб қочиш билан боғлиқ террорчилик ҳаракатлари ҳозирги пайтга келиб террорчилар томонидан қўлланиладиган анъанавий усулларга нисбатан унчалик кўрқинчли бўлмай қолди. Ҳозирги пайтда инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказадиган компьютер терроризми ҳам уруш ҳаракатлари олиб бориш воситаси бўлиб қолди. Шунингдек, террорчилар томонидан кимёвий ва биологик ҳамда ядро

қуролларидан фойдаланилиши эҳтимоли йўқ эмас.

Сийёсий сабабларга кўра қўзғатилган терроризм трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг наркотрафик, ноқонуний қурол савдоси, жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш каби турли шакллари билан бирга тобора кучайиб бормоқда. Бу эса, бутунжаҳон ҳамжамиятининг терроризмга қарши курашнинг энг самарали йўллари ва воситаларини биргаликда излашдан манфаатдорлигини белгилайди. Шундай қилиб, БМТ шафелигида терроризмнинг айрим турларига қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи 12 та универсал конвенция эълон қилинди. Ҳозирги вақтда ушбу конвенциялар терроризмга қарши кураш бўйича бир қатор минтақавий келишувлар билан тўлдирилиб, минтақавий аксилтеррор тизимларини шакллантириш ҳақида гапиришга имкон беради.

Халқаро терроризмга қарши курашнинг самарали механизмларини яратиш зарурати муайян географик минтақа доирасида терроризмга қарши ҳамкорликни ўрганишнинг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамиятини, шунингдек, Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ хориж давлатлари билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлигини белгилайди.

Бежиз эмаски, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида барча давлатларни, хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашга чақирди. Бунда, БМТ мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини янада кучайтириш лозимлиги таъкидлади [2].

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йилда резолюция ва чора-тадбирлар режаси шаклида бир овоздан маъқулланган “БМТ Глобал аксилтеррор стратегияси” тасдиқланди. Ушбу ҳужжат миллий, минтақавий ва халқаро саъй-ҳаракатларни яхшилаш бўйича, терроризмга қарши курашнинг умумий стратегик ва амалий асоси белгилаб берувчи ноёб ҳужжат саналади. Шу тариқа, давлатлар терроризмнинг барча кўриниш ва шакллариغا йўл қўйиб бўлмаслигини, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳам жамоавий, ҳам индивидуал чоралар кўришга қарор қилдилар.

Мазкур иллатга қарши курашиш мақсадида Аксилтеррор стратегияси тўртта асосий йўналишни белгилаб олди. Хусусан, терроризмнинг тарқалишига ёрдам берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш; терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш; терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлатлар салоҳиятини мустақамлаш ва бу соҳада БМТ тизимининг ролини кучайтириш; терроризмга қарши курашнинг асоси сифатида инсон ҳуқуқлари ва қонуннинг устуворлигини дунё миқёсида таъминлаш кабилар.

Ушбу белгиланган асосий йўналишлар БМТ фаолиятидаги халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланишга қўмаклашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйган дастурлари билан боғлиқдир. Бундан ташқари, мазкур тўртта йўналиш давлатларни миллий даражада терроризмга қарши курашиш бўйича ўхшаш комплекс ёндашувни ишлаб чиқишга ундайди, шунингдек аъзо давлатларни миллий, минтақавий ҳамда халқаро қўллаб-қувватлаш учун умумий институционал-ҳуқуқий асосини яратади.

БМТ аъзо давлатлари учун яратилган мазкур ҳужжат асосида 70 дан ортиқ барча соҳаларда салоҳиятни ошириш дастурлари ва лойиҳалари, чора-тадбирлар режаси ҳамда учрашувлар ташкил этилди [3]. Учрашувлар натижасида қабул қилинган қарорлар Аъзо-давлатларнинг Аксилтеррор стратегиясини амалга оширишда масъулиятини кучайтириши кераклиги яна бир бор тасдиқлади. Хусусан, Аксилтеррор тадбирларини қўллаш бўйича Мақсадли гуруҳ томонидан Стратегияни амалга ошириш юзасидан минтақавий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда Марказий Осиё давлатларига ёрдам бериш ташаббус билдирилди. Бу ташаббус Аксилтеррор стратегияси ва унинг юқорида таъкидланган тўртта асосий йўналишини амалга оширишда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Мамлакатимиз ҳам халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда терроризмга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни доимий амалга ошириб келмоқда. Буни

таъсифи сифатида, давлатимиз Президенти томонидан ҳам Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида самарали ҳамкорлик олиб боришда БМТ Глобал Аксилтеррор стратегияси муваффақиятли фаолият олиб бораётганлигини халқаро ҳамжамият олдида эътироф этди [2]. Бу эса, бугунги кундаги қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асносида терроризм глобал таҳдидини коллектив тан олиншининг яна бир исботидир. Шу нуқтаи назаридан ҳам давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида Аксилтеррор стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш таклифини илгари сурдилар.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик масаласи МДХ ва ШХТ аъзо-давлатлари томонидан қабул қилинган минтақавий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

СССР парчаланиб, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ягона ҳуқуқий макон йўқолгандан сўнг, МДХ ва ШХТ аъзо-давлатлари ваколатли органларининг ўзаро ҳамкорлиги учун халқаро-ҳуқуқий базани яратиш бўйича фаол ҳаракатлар бошланди. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида айнан терроризм жиноятига қарши кураш халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаси ҳисобланарди. Бу борадаги давлатлараро ҳамкорлик идоралараро даражада амалга оширилиши самаралироқ бўлди. Чунки, биргина МДХ доирасида Хавфсизлик органлари ва махсус хизматлар раҳбарлари Кенгаши, Ички ишлар вазирлари Кенгаши, Мудофаа вазирлари Кенгаши, Бош прокурорларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Чегара қўшинлари қўмондонлари Кенгашлари [4] нинг ташкил этилиши орқали терроризмга қарши курашда ҳар бир ваколатли органларнинг ўз соҳаси доирасида фаолияти олиб бориши масалага жиддий ва чуқур ёндашиш зарурлигини англатди.

Бунинг исботи сифатида, МДХ аъзо-давлатлар Ички ишлар вазирликлари биринчилардан бўлиб терроризм таҳдидининг ўсиб боришига қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини англадилар. Айнан мутахассислар терроризмга қарши минтақавий ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базасини яратиш бўйича фаол ҳаракатларни амалга оширдилар, шунингдек ўз хизматларининг ўзаро таъсирининг янги ташкилий шакллари ва усулларини излай бошладилар [4].

Бундан ташқари, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида трансмиллий жиноятчиликларга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини аъзо-давлатлар англамоқда. Шу боис, ШХТнинг 20 йиллик фаолиятида аъзо-давлатлар тинчлик ва хавфсизлигига таҳдид солувчи вазиятларни тартибга солишда биргаликда олиб борадиган ҳаракатларини ишлаб чиқишга ва уларга жавоб бера оладиган бирдамликни мустаҳкамлашга эришди. Бундан ташқари, ШХТ фаолияти давомида, кўптомонлама ўзаро ёрдам механизмини, принципларни шакллантиришни ва салмоқли халқаро-ҳуқуқий база яратилишига асос бўлди.

Бунинг исботи сифатида, 2001 йилдаги Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай Конвенциясидир [5]. Ушбу конвенция асосида 2002 йил ШХТнинг Минтақавий Антитеррор Тузилмаси (МАТТ) [6] ташкил этилди. Ушбу органнинг штаб-квартираси пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, доимий фаолият юритувчи юридик шахс мақомига эга орган ҳисобланади. МАТТ номидан Ижроия қўмитаси шартномаларни имзолаши, кўчар ва кўчмас мулкларга эга бўлиши ва ундан фойдаланиши, банк ҳисоб рақами очиши ва юритиши, судга даъво билан мурожаат қилиши ва судда иштирок этиши ҳуқуқларига эгадир.

МАТТнинг асосий функцияси терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасида ШХТнинг аъзо-давлатларининг ушбу соҳа бўйича ишлаб чиқилган таклифларни йиғиш ва таҳлил қилиш; жиноятчиларни қўллаб қувватловчи ва уларга ёрдам берувчи шахслар ёки ташкилотлар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш, тезкор-қидирув фаолиятини олиб бориш ва унга тайёргарлик кўришда ёрдам бериш, халқаро ташкилотлар билан доимий алоқада бўлишдан иборат [7, Б. 198-199].

Фикримизча, бугунга кунга келиб терроризмнинг шундай йўналишлари пайдо бўлдики, миллий ҳукуматлар жаҳон ҳамжамияти ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда иш юритиши зарур бўлиб қолди. Терроризм ва террорчилик актларидан жисмоний ҳимоя тизими

талабларини ишлаб чиқиш учун терроризм хавфининг ўлчамларини белгилаб олиш керак. Масалан, таҳдидлар асосий модели мамлакатнинг ичи ва ташқарисидаги жинойий гуруҳлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилади ва улар террорчи гуруҳлар сони, улар фойдаланадиган қурол-яроғ ва ҳаракат ташкилотларини ўз ичига олади. Афсуски, демократик давлатлар бирлашиб, терроризмга қатъий зарба беришга кўпинча астойдил ёндашмайди.

Шундай экан, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш бўйича минтақавий конвенцияларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уларни янада такомиллаштириш масалаларини кўзда тутувчи нормаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Масалан, терроризм, экстремизм ва сепаратизм жинойятлари оқибатида юзага келган зарар миқдори, уни ундириш тартиби, қарши кураш бўйича қўшма тезкор гуруҳлар тузиш масаласи ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини тўлиқ ва батафсил келтириб ўтиш мазкур жинойятларга қарши кураш самарадорлигини оширган бўлар эди. Лекин, шунга қарамасдан, бугунги кунда МДХ ва ШХТ аъзо-давлатларининг терроризм жинойтига қарши самарали кураши сезиларли даражада ўзгарди. Томонлар ўртасида олиб борилган ўзаро ўқув машғулотлари, ҳамкорлик натижасида ваколатли органларнинг фаолияти, МАТТнинг ушбу жинойятларга қарши кураш стратегиялари тахсинга лойиқ [8].

Бундан ташқари, МДХ ва ШХТ томонидан терроризмга қарши кураш бўйича бўйича халқаро ҳамкорлик масаласида қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб, ўз йўналишларини, ҳамкорлик механизмини ва уни такомиллаштириш масалаларини аниқ белгилаб олишлари лозим. Зеро, МДХнинг аъзо-давлатлари аксарияти ШХТга ҳам аъзо ҳисобланади.

Терроризмга қарши курашнинг кенг фронтини яратиш, инқирозли вазиятларда барча давлатлар учун умумий бўлган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва бунга қатъий риоя қилиш, турли давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш, террорчиларни молиявий манбалардан узиб қўйиш ҳамда террорчилик базаларини яратишга йўл қўймаслик каби ҳаракатларни амалга ошириш орқали терроризмга қарши курашишда натижага эришиш мумкинлиги дунё тажрибаси кўрсатди.

### Иқтибослар/ Сноски/ References

1. Institute for Economics & Peace. Global Terrorism Index 2022: Measuring the Impact of Terrorism, Sydney, March 2022. Available from: <http://visionofhumanity.org/resources> (accessed 07.05.2022)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>

3. БМТ Бош қотибининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://www.un.org/annualreport/2020/files/2020/09/Annual-report-SG-2020-RU-ebook.pdf>

4. МДХ расмий сайти // <https://e-cis.info/>

5. ШХТ расмий сайти // <http://eng.sectsc.org/>

6. ШХТ Минтақавий Антитеррор Тузилмаси (МАТТ) расмий сайти // <https://ecrats.org/rukovodstvo/>

7. Зимонин В.П. Шанхайская организация сотрудничества и евразийское измерение безопасности // Шанхайская организация сотрудничества: к новым рубежам развития : Материалы кругл. стола. — М.: Ин-т Дальн. Вост. РАН, 2008. — С. 198-199.

8. ШХТ Минтақавий Антитеррор Тузилмаси (МАТТ) расмий сайти // <http://ecrats.org/ru/news/cooperation/conferences/>